

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 747-ҳадис

747 – وَعَنْ مُعَاذِ بْنِ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ أَكَلَ طَعَاماً فَقَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنِي هَذَا، وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي وَلَا قُوَّةٍ غَيْرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ، وَالتِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [د 4023، ت 3458].

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا، وَسَقَانَا، وَجَعَلَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ

747. Муоз ибн Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким бир таом еб, кейин «Алҳамду лиллааҳиллазии атъамании ҳазаа ва розақониихи мин ғойри ҳавлин миннии ва лаа қувва»*** деса, аввалги гуноҳлари мағфират қилинади».

* Маъноси: **«Буни менга едирган ва мендан ҳеч қандай куч-қувватсиз уни менга ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».**

Абу Довуд ва Термизий ривояти. Термизий буни ҳасан ҳадис, деди.

Шарҳ: Ушбу сарлавҳа остида келган барча ривоятларда таом еб, шароб ичган банда ўзини ризқлантирган ва сероб қилган Розикига ҳамду сано, шукр-мақтов айтишининг бир неча хил сийғалари келмоқда. Лекин ҳаммасида ҳам, еб-ичган инсон Аллоҳ таолога ҳамд айтиши лозимлиги маъноси бор.

Еб-ичгандан кейин ҳамд айтишда Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзи ризқ берувчи зот эканини эътироф қилиш бор. Шу билан бирга, бу ишда Аллоҳ таолога шукрни доимий янгилаб туриш маъноси ҳам бор. Шукр қилган бандага эса, Аллоҳнинг Ўзи неъматларини зиёда қилиб беришни ваъда қилган.

Шу билан бир вақтда, Аллоҳ берган неъматларни еб-ичиб, улардан баҳраманд бўлиб туриб, у Зотга ҳамд айтмаслик, шукр қилмаслик, ўтакетган нонкўрлик эканини ҳам таъкидлашимиз лозим.

Бошқа ҳадиси шарифларда еб-ичиб, ҳамд айтмай туриб кетган одам худди ҳаром таом ёки чўқанинг гўшти устидан тургандек бўлиши таъкидланган.

Шунинг учун еб-ичгандан кейин Аллоҳга ҳамд айтишни ҳеч қачон қанда қилмаслик керак.

Бизнинг диёрларимизда юқорида ўтган дуолар ичидан

«Бизни таомлантирган, сероблантирган ва мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин» деган дуо кенг тарқалган.

Ана ўша дуони ёдлаб олиш қийин эмас. Ҳар биримиз овқатдан кейин Аллоҳ таолога ҳамд айтишни қанда қилмаслигимиз, болаларимизга, яқинларимизга ҳам ўргатиб боришимиз лозим.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI